

Энди тадқиқотчилар Малайзиядаги 100 мингдан ортиқ қўлёзма ва нодир нашрлардан бемалол фойдаланишлари мумкин




05:19 / 05.02.2025 875

Бугун Малайзия Ислом санъати музейида икки томонлама маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ислом цивилизациясини ўрганишда илмий ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган "Маданий мерос: Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги кўприк" мавзусидаги халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида ташкил этилган тадбирда Малайзиянинг энг йирик "Ал-Бухорий" жамғармаси, Малайзия Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Исломни англаш институти, Малайзия Ислом маданияти институти, Ислом тафаккури ва цивилизацияси халқаро институти, Ислом фанлари университети, Халқаро ислом университети ҳамда бошқа етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этди.

Image not found or type unknown




Давра суҳбати давомида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳада, шунингдек, Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тақдим этилди. Ислон цивилизацияси маркази, Халқаро ислом академияси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий номидаги халқаро илмий марказлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар эътиборига ушбу илмий муассасалар фаолиятига бағишланган махсус хужжатли фильмлар намойиш этилди. Шунингдек, **Малайзия илмий жамоатчилигига Ўзбекистон Президентининг "Малайзия ислом санъати музейи" китоб-альбомига ёзган сўзбошиси тақдим этилди.**

Ислом цивилизацияси маркази тақдимоти билан танишган давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон Президентининг ушбу марказни ташкил этиш ташаббусини юқори баҳоладилар. Олимлар мазкур лойиҳа ёшларни маърифатпарварлик руҳида тарбиялаш ва тинчликсевар ислом қадриятларини тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Тадбир доирасида махсус декларация ҳам қабул қилинди. Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ислом цивилизацияси марказида халқаро олимлар ва тадқиқотчиларнинг ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилди. Ушбу муҳим қадам ислом мероси йўналишидаги етакчи мутахассислар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, Марказ музейини бойитиш, шунингдек, Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги илмий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган.

Image not found or type unknown




Халқаро ислом тафаккури ва цивилизацияси институти (Малайзия) Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро англашув меморандумини имзолади. Давра суҳбатининг асосий қарорларидан бири икки мамлакатнинг ислом цивилизациясини ўрганишга ихтисослашган етакчи тадқиқотчилари ва экспертларини бирлаштирадиган қўшма **Ўзбекистон-Малайзия илмий жамияти**ни ташкил этиш бўлди.

Ташкилотга Ўзбекистон томонидан Ислом цивилизацияси маркази, Малайзия томонидан эса Ислом тафаккури ва цивилизацияси халқаро институти раҳбарлик қилади. Экспертлар кенгашининг биринчи йиғилиши

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиши арафасида бўлиб ўтади. Жамиятнинг асосий вазифаларига қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш ва нашрлар, таълим ва маданий ташаббусларни ташкил этиш, академик тажриба ва ресурслар алмашиш, шунингдек, ислом мероси масалалари бўйича халқаро мулоқотни ривожлантириш киради. Жамиятнинг координаторлари этиб Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори – доктор Фирдавс Абдухолиқов ва Халқаро ислом тафаккури ва цивилизацияси институти директори – доктор Абдулазиз Бергут сайланди.


Image not found or type unknown



Ўзбекистон Президентининг ислом маданиятини асраб-авайлаш ва буюк алломалар меросини ўрганишга қўшган ҳиссасини қўллаб-қувватлаш

мақсадида **Малайзия томони ўзбекистонлик тадқиқотчиларга 100 000 дан ортиқ қўлёзма ва нодир нашрлардан электрон фойдаланиш имконини берувчи махсус сертификат** тақдим этди. Малайзия Ислом тафаккури ва цивилизацияси халқаро институти кутубхонасининг сертификати ва рақамли калити Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директориға тантанали равишда топширилди. Шунингдек, Имом Мотуридий, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларига ҳам рухсат берилди.

Image not found or type unknown




Давра суҳбати давомида Ўзбекистон томони икки томонлама илмий, таълим ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, Малайзия Ислом тафаккури ва

цивилизацияси институти ҳамда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, шунингдек, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий номидаги халқаро марказлар ўртасида радикализмнинг олдини олиш бўйича махсус дастур доирасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш таклиф этилди. Маданият соҳасидаги ташаббуслар Малайзия Ислом санъати музейида Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликлари ва топилмаларига бағишланган фотокўргазма ташкил этишни, шунингдек, мамлакатнинг тарихий-маданий мероси билан танишиш мақсадида Малайзиянинг диний ва таълим ташкилотлари вакиллари, журналистлар ва жамоат арбоблари учун Ўзбекистон бўйлаб медиатур ўтказишни ўз ичига олади. Таълим соҳасида малайзиялик олимларни Имом Бухорий ва Имом Мотуридий номидаги халқаро стипендиялар дастурларига жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Малайзия халқаро ислом университети ўртасида қўшма таълим дастурини ишлаб чиқиш, жумладан, Visiting Professor дастури бўйича ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг Малайзия олий ўқув юртларида иштирокини таъминлаш таклиф қилинди. Илмий соҳада Малайзия Ислом маданияти институти ва Имом Бухорий номидаги марказ ўртасида мусулмон олимларининг тиббиёт соҳасидаги илмий меросини ўрганиш ва қайта тиклаш ҳамда Имом Бухорий меросини тадқиқ этиш таклиф этилди. Бундан ташқари, маънавий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида малайзиялик диндорларга Ўзбекистондаги Имом Бухорий, Имом Термизий ва Баҳоуддин Нақшбанд билан боғлиқ муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконини берувчи **"Умра плюс" махсус зиёрат дастурини** ишга тушириш таклиф этилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти (WOSCU) ҳамда Ўзбекистон илмий марказлари томонидан нашр этилган китоблар ва факсимиле нашрларнинг ноёб кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Тақдим этилган нашрлар давра суҳбати иштирокчиларининг чуқур қизиқишини уйғотди. Илмий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш рамзи сифатида китоблар тўплами Малайзиянинг ҳамкор ташкилотлари кутубхоналарига, жумладан, Халқаро ислом тафаккури ва цивилизацияси институти, Малайзия Ислом маданияти институти ва бошқа муассасаларга совға қилинди.

Image not found or type unknown



Давра суҳбати якунида иштирокчилар Малайзия Ислом санъати музейидаги ўзбек маданий мероси экспозициясини зиёрат қилишди. Тадбир меҳмонлари Ўзбекистоннинг бой меросини акс эттирувчи ноёб тарихий ашёлар билан танишиб, музейнинг доимий экспозициясини ҳам кўздан кечиришди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти (WOSCU) томонидан нашр этилган "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида" туркумининг 58-жилди айнан Малайзия Ислом санъати музейи тўпламларига бағишланган.